

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИ ТИЗИМЛИ ВА СИФАТЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 11 сентябрь куни Тошкент вилоятида ислохотлар натижадорлиги ва янги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ишларини самарали ташкил этишга оид таклифлар тақдими билан танишди.

Ўзгал табиатли ва салоҳияти юқори бу вилоят иқтисодиёти бугун изчил ривожланиб бормоқда. Кейинги 8 йилда 10 миллиард доллар ҳудудий, 8 миллиард доллар тармоқ инвестициялари киритилган, 10 мингга яқин саноат, савдо ва сервис корхоналари ишга тушган.

Охириги уч йилда йиллик айланмаси 10 миллиард сўмдан кўп бўлган корхоналар сони 1,8 баробар ошиб, 1,7 мингга етган. Айланмаси 100 миллиард сўмдан юқори корхоналар эса 137 тадан 193 тага кўпайган. Натижада олдинги йилларда йиллик ўртача экспорт 1 миллиард долларга ҳам етмаган бўлса, шу йилнинг 8 ойида бу рақамдан ошган.

Вилоятда хитойлик инвесторлар томонидан 2,1 миллиард долларлик йирик саноат парклари ташкил этилмоқда. Шунингдек, вилоти 2025-2027 йилларда жадал ривожлантириш бўйича Президент қарорлари қабул қилиниб, улар ижроси учун 40 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилган. Буларнинг бари ҳудудларда ишсизликни пасайтириб, камбағаллик даражасини қисқартириш имконини бермоқда. Йил якунига қадар вилотда ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга туширишнинг аниқ ҳисоб-китоби қилинган.

Бундай натижаларни ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, Тошкент вилоятида ҳам “Ислохотлар штаби” тuzилди. Йиғилишда штаб томонидан тайёрланган режа ва лойиҳалар тақдимот қилинди.

Президентимиз томонидан мазкур лойиҳаларни бекам-қўст амалга оширишга кўмаклашиш, айрим масалаларни зудлик билан ечиш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Жумладан, Нурафшон, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарларида хорижий инвестиция иштирокида саноат корхоналарини ташкил этиш учун иккита нимстанция куриш кўзда тутилмоқда.

Бекобод шаҳрида импорт ўрнини босувчи автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, Оққўрғон туманида озиқ-овқат ва тўқимачилик корхоналарини очиш, Оҳангарон, Ангрен ва Ўрта Чирчиқ ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорасув каналли бўйида туризм ва савдо масканларини ташкил этиши имконияти бор.

Умуман, вилотда 2 миллиард 500 миллион долларлик инвестициявий лойиҳалар ишлаб чиқилган. Уларнинг натижасида 11 мингдан зиёд аҳоли бандлиги таъминланади, 434 миллион долларлик экспорт қуввати яратилади.

Президентимиз лойиҳалар билан атрофича танишиб, қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

— Тошкент вилоти саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам энг катта салоҳиятга эга ҳудуд. Асосийси, вилот юртимиздаги энг йирик истеъмол ва хизматлар бозорини, яъни пойтахтимизни ҳар томондан ўраб туради. Бу ҳам жуда катта имконият. Уни тўлиқ ишга солиб, инвестиция, экспорт ва иш ўрни кўрсаткичларини каррасига ошириш мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари ҳам қатнашди. Тошкент вилотидаги айрим бўш ерлар “Тошкент инвест” компанияси ва шаҳарнинг саноат зоналари дирекциясига ажратилиб, уларга экологияга зарар келтираётган корхоналар кўчирилиши қайд этилди.

Тошкент вилотининг барча ҳудудларини пойтахт билан тезкор электр поездлар орқали боғлаш вазифаси белгиланди. Бу орқали у ерларда ҳам янги уй-жойлар, инфратузилма ва хизматларга талаб ошади, одамлар пойтахтга қатнаб ишлаши мумкин бўлади.

Вилотдаги 263 та маҳалла бирор маҳсулот етиштириш, саноат ёки хизмат кўрсатишга ихтисослашмаган. Шу боис, уларда боғдорчилик, лимон, узум, малина, брокколи ва қўчат етиштиришни ривожлантириш мўлжалланмоқда. Бу маҳаллаларга “Агростар” компаниясини бириктириб, уруғ, қўчат ва қағолатли хариб борасида одамларга ёрдамлашиш бўйича кўрсатма берилди.

Тошкент вилоти ер ва сувга жуда бой. Бундан самарали фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш билан бирга уларни қайта ишлаб, экспортини ошириш вазифаси қўйилди.

Умуман, барча имкониятларни юзага чиқариб, маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Президентимиз РАИСЛИГИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИ ҲАМДА КЕЛГУСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Шарҳ

Бугунги глобаллашув ва билим иқтисодиёти даврида инсон капитали давлат тараққиётининг энг муҳим мезонига айланган. Янги технологиялар, тезкор ахборот оқимлари, сунъий интеллект каби жараёнлар ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт қаторида таълим тизимининг ҳам тубдан янгиланишини талаб этмоқда. Шундай шароитда ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни бугун қандай таълим концепциясини танлаши, қайси кадриятларни ёшлар онгига синдириши билан белгиланади. Мамлакатимизда ҳам таълимнинг барча бўғинлари изчил ривожлантириляпти. Янги таълим масканлари қурилмоқда ва замонавий жиҳозланиб, ёшларнинг билим олиши учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бироқ бу узлуксиз жараён. Иқтидорли болаларга ихтисослашган билим бериш, ёшларнинг қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш доимий эътиборни талаб этади. Видеоселектор кун тартибидан ўрин олган масалалар юртимизда бу жараённинг давомийлигини, тизимли ёндашув асосида кечаётганини кўрсатди.

Жамиятда ўз ўрнини топадиган, мустақил фикрладиган, касбий кўникмаларга эга ва энг муҳими, юксак маънавиятли шахсни шакллантиришга бугунги куннинг асосий вазифаси сифатида қаралар экан, таълим соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланиши бежиз эмаслиги кўринадди. Негаки таълим нафақат билим бериш, балки ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашдек улкан масъулиятни ҳам зиммасига олади. Шу боис, маънавий-тарбиявий ишлар таълимнинг ажралмас қисмидир. Аммо ҳозирги кунгача бу борада ягона ёндашув бўлмаганини тан олиш керак.

Бу бўшлиқни тўлдирши учун муҳим ташаббус илгари сурилмоқда. Яъни болалар боғчасидан тортиб, олий таълимгача қамраб оладиган ягона миллий ғоя концепцияси ишлаб чиқилди. Энди турли идоралар ўзича “тадбир” ўтказиш билан овора бўлмайди. Бир бутун концепция асосида ишланган намунавий режалар таълим муассасаларига йўланади, уларнинг ижроси мунтазам назорат қилинади.

Энг муҳими, бу тизим ёшларни ортиқча тадбирларга жалб этмайди. Аксинча, ҳар бир тадбир мазмунли, савияли ва ёшларнинг қизиқишига мос бўлади. Масалан, кимдир китобхонликка, кимдир санъатга, яна кимдир спортга қизиқса, миллий ғоя концепцияси уларнинг ҳар бир йўналишдаги истеъдодини қўллаб-қувватлашга қаратилади. Бу орқали ёшларнинг бўш вақти ҳам мазмунли ташкил этилади, таълим-тарбия жараёни эса ягона мақсад — баркамол инсон тарбиясига йўналтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ” ФАХРИЙ УНВONI БИЛАН

Рахимов Хамиджон Мамажонович — Олтиариқ туманидаги ихтисослаштирилган мактаб директори, Фарғона вилоти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ” ФАХРИЙ УНВONI БИЛАН

Бойқобилова Лобар Тоштемировна — Оқдарё туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилоти

Эгамбердиев Атабек Рўзимович — Ҳазорасп туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилоти

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Абдуллаев Махмуджон Мухамедович — Тошкент давлат техника университетининг механика ва робототехника кафедраси профессори

Оразимбетова Гулдарижа Қдирбаевна — Қораўзақ туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Суванов Омон — Гулистон давлат университетининг педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Сирдарё вилоти

Хушматов Раҳматулло Раббимович — Самарқанд шаҳридаги алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 61-мактаб-интернатиининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Самарқанд вилоти

Шукуров Махманазар Каримович — Яккабоғ туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилоти

І даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Таджибаева Маъмурахон Ашуралиевна — Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ижрочи директори

ІІ даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Абдуллаев Шавкат Вахидович — Наманган давлат университетининг кимё кафедраси профессори, Наманган вилоти

Ахмедова Муаттар Абдувахитовна — Қиррай туманидаги “Имкон” кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти дефектолог, Тошкент вилоти

Балтабаев Алимкул Эгамбердиевич — Сайхунобод туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг мусика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилоти

Бўтаев Қаҳрамон Ниғматович — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика мактабининг академик хонандалик бўлими бош ўқитувчиси

Зияева Мохидил Бахтиёрвна — Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилоти

Қазимова Рохила Розиковна — Тайлоқ туманидаги 41-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Самарқанд вилоти

Каримова Мавлудахон Шаробутдиновна — Олтинқўл туманидаги “AI Imprex gagan” нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори, Андижон вилоти

Давоми 2-бетда

Давоми 3-бетда



2025 йил 12 сентябрь, 189-сон

СИЁСАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Касимов Файзулло Мухамadowич — Бухоро давлат педагогика институтининг бошлангич таълим кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Пирматова Рано Ниниевна — Шеробод туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Умаралиева Мамурахон Ташходжаевна — Тошкент фармацевтика институти академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

“Дўстлик” ордени билан

Абдушукuroв Анвар Кабирович — Ўзбекистон Миллий университетининг органик ва нефть-газ кимёси кафедраси профессори

Азаренко Игорь Тимофеевич — В.А.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабининг эстрада ихрочилиги бўлими ўқитувчиси

Азимов Рахим Азизович — Россия Федерацияси Давлат Думасининг Хавфсизлик ва коррупцияга қарши кураш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Вольфганг Антон Ҳеррманн — “Янги Ўзбекистон” университетининг фахрий президенти

Дружинина Елена Сергеевна — Оксана Чусовитина номидаги гимнастикага ихтисослаштирилган спорт мактаби мураббийси

Иброҳим Саид Абдулла Али Алҳажри — Бирлашган Араб Амирликларининг Халифа университети президенти

Исмагилаев Хабибулла — Олтинсой туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг чакирувча қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Кадинова Адиба Рахмоновна — Шахрисабз шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кинг Стефен Ричард — “Cambridge University Press & Assessment” ташкилотининг Европа, Марказий Осиё ва Америка бўйича бош координатори

Қалбаева Наубаҳар Пердебаевна — Нукус туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Марсен Аббей Николе — Андижон шаҳридаги Президент мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Миржалилова Гулбаҳор Мирахмоновна — Чуст туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мирзакулов Батиржон Қазакбаевич — Мирзақул тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Расселл Хейли Даниэл — Миробод туманидаги 175-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Сайфутдинов Анвар Назарович — Миробод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

Сاپарова Гулдар Жусупалиевна — Бўка туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Султанова Шаҳида Юлдашевна — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг академик лицейи ихрочи директори

Уварова Вера Юрьевна — Тошкент шаҳридаги “Novda Edutainment” масъулияти чекланган жамиятининг гуманитар фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи

Усанова Нодира Соҳибовна — Қарши шаҳридаги 2-кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти логопеди, Қашқадарё вилояти

Хасанов Бахтиёр Темирович — Оқдара туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хафизова Сайёра Бахтияровна — Навбаҳор туманидаги 1-мактабгача таълим ташкилоти директорининг ўринбосари, Навоий вилояти

Шамусаров Шарустам Гиязович — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг арабшунослик олий мактаби профессори

“Соғлом турмуш” медали билан

Абдурахманова Сурайё Мирзамахмудовна — Учқўрғон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

Азимова Наргиза Фагимовна — Пахтакор тумани спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси, Жиззах вилояти

Артиков Урол Юсупович — Жарқўрғон тумани спорт мактабининг дзюдо бўйича мураббийси, Сурхондарё вилояти

Закирова Дилноза Шарифовна — Бухоро туризм ва маданий мерос техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Камолова Шохзода Файзуллаевна — Навоий шаҳридаги “Баркамол авлод” болалар мактабининг робототехника тўғрисида раҳбари, Навоий вилояти

Мусаев Саминжон Алиевич — Учқўприк туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Рузикулов Раъшан Рахматуллоевич — Спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг юнон-рум кураши бўйича катта мураббийси

Солиев Анвархужа Мақсудович — Янгйўл туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг чакирувча қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Чориев Фахриддин Уролович — Қамаш туманидаги 2-спорт мактаби директорининг футболни ривожлантириш бўйича ўринбосари, Қашқадарё вилояти

“Шуҳрат” медали билан

Абдиназаров Хасанбой Холиқназарович — Данғара туманидаги “Д.И.Менделеев” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Фарғона вилояти

Абдуллаева Фотима Бахромовна — Жиззах шаҳридаги “Jizzakh International School” хусусий мактаби директори, Жиззах вилояти

Аманов Бахтияр Хушбакович — Чирчиқ давлат педагогика университетининг генетика ва эволюцион биология кафедраси мудири, Тошкент вилояти

Аманова Зулхумор Муталовна — Ангрэн шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Ахмедова Ҳафиза Ҳасимовна — Бухоро давлат техника университети академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ахунова Тамара Уктамовна — Булоқбоши туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бердиёрова Хурида Жамбуловна — Косон туманидаги 95-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Бобаназаров Шербай Абдирахманович — Музработ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Бобоев Мақсуд Махмудович — Жондор туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Болтаева Лола Абдувоҳидовна — Юнусобод туманидаги 273-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Джаббаров Рузмет Алланазарович — Хива шаҳридаги 121-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Жалелов Илхам Клишбекович — Қонлиқўл туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг чакирувча қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Жалилов Бехзод Муратович — Тошкент шаҳридаги “Target international school” нодавлат таълим муассасаси раҳбари

Жаниқулов Маъруф Махсуд ўғли — Фориш туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Жураева Феруза Баходировна — Вобкент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Занжирова Хурида Махмудовна — Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Зикирова Санам Киличевна — Қарши шаҳридаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернет уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

Камалитдинов Жобир Нуритдинович — Давлатобод туманидаги “Aisha Home Textile” масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Каримов Элдор Эркинович — Ғузор туманидаги 1-политехникуми директори, Қашқадарё вилояти

Мамажоновна Зоҳидахон Турсуновна — Норин туманидаги 25-умумий ўрта таълим

мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Мирзаева Раҳима — Фарғона шаҳридаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мирзахмедов Улугбек Уйирбекович — Бўстонлик туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Насирова Шаира Нармурадovна — Навоий давлат университетининг рақамли технологиялар кафедраси профессори, Навоий вилояти

Норқўчқарова Салима Нормуновна — Қумқўрғон туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Оразбаев Журабек Ибадуллаевич — Эликқалъа туманидаги “Сарабий” ўқув маркази раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

Пўлатов Рашидjon Рахимович — Бешариқ туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Сайдахматова Халимахон Исмоиловна — Кува туманидаги 1-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Фарғона вилояти

Салаев Санъатбек Камилович — Хоразм вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Салимов Хайтбой Мирзаевич — Марҳамат туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Саломов Умид Фирдавсиевич — Самарқанд шаҳридаги “Anvar Zamon Nur” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Самарқанд вилояти

Самадова Гулбаҳор Саидмуратовна — Жиззах шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Самиева Нафосат Камоловна — Китоб туманидаги 3-оилавий болалар уйи раҳбари, Қашқадарё вилояти

Сарсенбаева Улдаулет Ансатбай қизи — Бўзатов туманидаги 20-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Султанова Гулнара Алимбаевна — Урганч шаҳридаги 18-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Хоразм вилояти

Султонов Жаҳонгир Хасанжон ўғли — Ўзбекистон туманидаги “Edu fly” ўқув маркази раҳбари, Фарғона вилояти

Султонов Султон Истамович — Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг бошлангич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 11 сентябрь

Темиров Анвар Ғайрат ўғли — Самарқанд шаҳридаги “Юксалиш қурувчи” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Самарқанд вилояти

Тиллаев Алишер Хасанович — “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг “International House-Tashkent” академик лицейи директори

Тишликова Дилнора Махмудовна — Гулистон шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Тургунов Бекзод Мирзамахмуд ўғли — Чортоқ туманидаги “Stanford LC” нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Наманган вилояти

Умарова Озодахон Исроилловна — Жалақудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Утанов Шухрат Қўшмуродович — Ғаллаорол туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Хакназаров Фарҳад Мамарахимович — Гулистон туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Хамидов Хайрулло Исмоилович — Навоий давлат кончили ва технологиялар университетининг металлургия кафедраси профессори, Навоий вилояти

Хамидова Гулноза Бахтиёровна — Зомин туманидаги “Иқтидорлилар” хусусий мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Хўжаниёзова Умида Қаландаровна — Урганч туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Шин Елена Петровна — Бекобод шаҳридаги 11-кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти дефектолог, Тошкент вилояти

Шобердиев Омон Абдиҳолиқович — Қумқўрғон туманидаги 1-политехникумининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Шодмонова Марҳабо Ўктамовна — Қизилтепа туманидаги 1-политехникумининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Эгамбердиев Санжар Усанбаевич — Ширин энергетика техникумининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

Элмирзаев Парвоз Пардаевич — Китоб туманидаги 50-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Эргашев Шерзод Шодибек ўғли — Жиззах шаҳридаги Президент мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Явдов Бахрам Янгйбаевич — Нукус давлат педагогика институтининг физика ўқитиш методикаси кафедраси профессори, Қорақалпоғистон Республикаси

Хўдудлар қиёфаси



— Қуш учса қаноти, одам юрса, оёғи қуядиган чекка шаҳарчамизда халқимиз йиллар давомиди орзу қилган ишлар бугун бажарилмоқда. Ушбу манзил туман марказидан 350 километр узоқда жойлашган. Йўларнинг абгорлиги нафақат бу ерда яшовчиларнинг, балки халқаро йўлдан ўтувчиларнинг ҳам асосий бош огриғи эди. Сабаби йўл ёмонлиги туфайли автомашиналар тез-тез бўзилиб, баллони ёрилиб, қолди кетарди, — дейди Қўнғирот туманидаги “Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қутли Хошимбетова. — Энди туман марказидан манзилимизгача 3 соатда етадиган бўлди. Шундай катта ғамхўрликлар учун Президентимизга миннатдорлик билдирамыз.



оила, ҳар бир маҳалла, ҳатто энг олис қишлоққача етиб бориши керак. Нукус шаҳридан 400 километр олисда жойлашган Қорақалпоғистон шаҳарчасидаги ўзгаришлар фикримизни тасдиқлайди.

Худуддаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, шаҳарча аҳолиси билан суҳбатлашиш учун узоқ масофа босиб, равои, текис йўл орқали Қўнғирот туманидаги “Қорақалпоғистон” шаҳарча фуқаролар йиғинига етиб бордик.

— Шаҳарчамиз 2018 йили “Обод қишлоқ” дастурига қиритилиб, катта ўзгаришлар амалга оширилди. Кўп йиллардан буён фойдаланилмай келаётган клуб биноси қайта таъмирланди, 165 ўринли мухташам маданият саройига айлантирилди. Худуддаги 26- ва 56-мактабларда тубдан таъмирлаш ишлари бажарилди. 23- ва 29-болалар

боғчаси қайта таъмирланди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида тикувчилик цехи ишга туширилиб, 60 хотин-қиз ишли бўлди, — дейди Қутли Хошимбетова. — Бундан ташқари, ёшлар учун ажойиб спорт зали барпо этилди. 67-оилавий поликлиника замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Худуд аҳолиси учун кичик деҳқон бозори ва темир йўл вокзали ҳам қайта таъмирланди. Шаҳарчамиз мамлакатимиздаги энг обод манзиллардан бири бўлди деб ўйлайман. Сабаби аҳолининг кўпи иш билан банд. Маҳалламиз ичимлик сув, табиий газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланган.

Яқин-яқингача бу худудда йўл юриш ҳаётининг энг катта синовларидан бири бўлиб келган. Ҳатто энг яқин Қўнғирот тумани марказига етиб бориш учун 6-7 соат керак эди. Президентимиз ташаббуси билан қурилган “А-380 “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” халқаро йўли масофани икки соатгача қисқартирди. Бу йўл одамлар узогини яқин қилиш билан бирга худуд ривожига ҳам кенг имконият очди.

— Шаҳарчамизда банк филиали, алоқа бўлими бор. Ошхоналар, ҳаммом, дўконлар халқимиз хизматида. Ижтимоий ҳўмияга муҳтож ва ногиронлиги бор фуқароларга мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди худуддаги ижтимоий ҳодим Дилноз Базарбаева. — Шаҳарчамизда ногиронлиги бўлган 62 шахс рўйхатга олинган.

Худуддаги янгиланишлар билан танишиш жараёнида одамлар билан суҳбатлашдик.

— Ҳаммаси бир қоп ундан бошланди. Ишсизлик туфайли рўзгор тебратиш учун қарзга бир қоп ун сотиб олиб, тандирда нон ёпдик. Илк тадбиркорлигимизни шундай бошлаганмиз. Аста-секин фаолиятимизни кенгайтирдик, — дейди тадбиркор Алия Жекебаева. — 2019 йили овқатланиш шохоб-

часини очдик. Бунинг учун банкдан кредит олдик.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликка яратилган имкониятлар, солиқ ва кредит имтиёзлари, махсуслотни бозорга олиб чиқишга доир қўлайликлар бугун Қорақалпоғистоннинг энг чекка қишлоқларига етиб борган. Бу эса оддий одамлар ҳаётида катта ўзгаришлар ясамоқда. Жулдиз Избасарова ушбу имкониятлардан фойдаланаётган феои тадбиркорлардан. Қандолатчилик цехи кичик бўлиши мумкин, лекин режалари, мақсади улкан. Бугун унинг кичик қорҳонасида 10 турдаги қандолат махсуслотлари ишлаб чиқаришмоқда. Ҳатто буюртма асосида қўшни Қозғистонга экспортла бериляпти.

— Аслида, бу етказин бундан 7-8 йил аввал бошлаганман. Уй шароитида пишириқлар тайёрлардим, — дейди Жулдиз Избасарова. — Мана тадбиркор сифатида рўйхатдан ўттиб, қандолатчилик цехини очдим. Худудимиз тобора ривожлантиряпти. Овулимизда ўзгаришлар жуда кўп. Шароитимиз кун сайин яхшиланиб бормоқда. Буни худуд аҳолисининг кайфиятидан ҳам билиш мумкин.

Шаҳарча хотин-қизлари меҳнатдан қочмайди, имкониятнин қўлдан бой бермайдиганлар тайёрлади. Улар учун ҳаёт фақат кутиш эмас, балки ҳаракат, интилиш ва ўз устида ишлаш демакдир.

Тадбиркор аёл Сулувхан Берданова бўш турган иморатни ижарага олиб, тикув цехи очди. Шаҳарчадаги ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлади. Шу билан бирга, тикувчиликни ўргатиш учун ўқув курсларини ҳам ташкил этган.

— Ушбу тикув цехида 2 йилдан буён ишлаб келялман. Олдин уйда ишсиз, уч боламнинг тарбияси билан банд эдим, — дейди Муҳаббат Жумабаева. — Тадбиркор Сулувхан Берданова мени шогирдикка олиб, хунар ўргатди. Кейин эса ишга қабул қилди.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Бугун мен нафақат касбли, балки ишли ҳам бўлдим. Ҳаётга қарашларим ўзгарди.

Батирбай Тенгелов асли нукуслик. Бугун уйидан 400 километр узоқда — Қорақалпоғистон шаҳарчасидаги мактабда инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Шу билан бирга, чет тилини чуқур ўрганувчилар учун репетиторлик қилади. Турмуш ўртоғи Жанасулв Аксунтанова ҳам шу муассасада математикадан дарт беради.

Худуд аҳолиси учун тиббий хизмат энг долзарб масала эди. Бу ерда замонавий туғуруқхона қурилиши бошланибди. Ушбу сый-ҳаракат она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишдаги муҳим қадам бўлди.

— Поликлиникамиз энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган, лаборатория хоналари, кундузги ва кечки стационар хизмати мавжуд, — дейди шифокор Жамила Уразалиева. — Олдин худудимизда туғуруқхона бўлмагани боис, ҳомилалар аёлларни 350 километр узоқдаги туман марказига бир ҳафта олдин жўнатишга мажбур бўлардик. Энди оилавий поликлиникамиз ёнида замонавий туғуруқхона бунёд этилмоқда.

Ҳақиқатан, Осиё тараққиёт банки иштирокида Қўнғирот тумани худудида халқаро

аҳамиятдаги “А380 “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу” автомобиль йўлида 240 километрни цемент-бетон қопламали я

ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЯГОНА КОНЦЕПЦИЯСИ



Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Юқорида номи қайд этилган муассаса ҳамда жамиятлар алоҳида-алоҳида ишлаганда куч ва ресурслар тақдимида ноаниқликлар юзага келиши эҳтимолдан холи эмасди. Бир бренд остида бирлаштириш эса дастурларни ягона стандартга келтириш, устозлар малакасини тизимли ошириб бориш, жиҳозлаш ишларини изчил йўлга қўйиш, тақорланаётган тўғаракларни оптималлаштириш демакдир. Хар бир туманда битта марказ атрофида робототехника, АТ, спорт, санъат, театр, медиасавдохонлик, дебат, стартап лабораториялари йўлга қўйилса, истеъодларни эрта кашф этиб, уларни қизиқтириш бўйича йўналтириш мумкин.

Интизомга ўргатувчи омиллар

Бундай тизим ёшлар сиёсатининг профилактик чораси ҳамдир. Зеро, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, тўғри йўналтириш радикал гоялар, кўча субмаданияти ва зарарли одатларга қарши энг кучли восита. Спорт ва санъат болани интизомга ўргатади, техник йўналишлар эса меҳнат бозорига керак бўладиган кўникмаларни беради. Эрта касбга йўналтириш миграция босимини камайтиради, маҳаллий иқтисодиётга мос кадрлар етиштиради.

Амалий механизмлар ҳам аниқ бўлиши керак: ихтиёрийлик тамойили, қизлар иштирокини ошириш учун хавфсиз мухит ва кечки қатнов масаласи, ногиронлиги бўлган болалар учун мослаштириш, ўқитувчиларга ортиқча юклама бермаслик, тўғарак раҳбарларига қўшимча ҳақ ва сертификатлаш тизими шулар жумласидан. Рақамли платформа орқали рўйхатдан ўтиш ва жадвални кўриш қулай бўлса, қамров ошади. Маҳалла, олий таълим ва бизнес билан ҳамкорлик эса амалий лойиҳаларни кўпайтиради.

— Шу вақтга қадар боғча, мактаб ва олий таълим ўртасидаги боғлиқлиқни таъминловчи яхлит тизим йўқ эди. Шу нуқтан назардан, уларни бир-бирига боғлайдиган, бири иккинчисини мантиқан давом эттирадиган ягона маънавий-маърифий ишлар режаси яратилди: ойларга ном берилди, уни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди, — дейди мактабгача ва мактаб таълими вазирни ўринбосари Фарҳод Бокиев. — Ўзбекистонда миллий тарбия моделини яратиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, жорий ўқув йили ўзинга ҳок янгилик билан бошланди. Яъни барча боғча, мактаб ва олий-ўқуларда ҳар душанба “Келажақ соғит” дарслари ўтिल्моқда. Мазкур дарслардаги ҳар битта мавзу видеоқонтентлар билан бойитилиб, барча учун очик бўлган milliyatbiy.uz платформасига жойлаштирилди.

Умуман олганда, “Келажақ” марказлари ва мактаб маслаҳатчиси институтини жорий этиш бўш вақтни жамият капиталига айлантириш йўлидаги муҳим стратегик қадамдир. Мазкур ташаббус, шубҳасиз, таълимнинг тарбиявий қисмига таян бўлади, мамлакатнинг инсон ресурсини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Беш кун иш, бир кун ўқиш

Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимида кечган ислохотлар катта натижаларни кўрсатмоқда. Соҳада кейинги 8 йилда болажонлар учун қўшимча 2,5 миллион ўрин яратилиб, кўрсаткич 78 фоизга етгани давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида ўзини оқлагатганини билдиради. Шу билан бирга, жараёнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ҳар йилги демографик ўзгаришларга мутаносиб равишда янги ўринлар очиб режалаштирилмоқда. Бу эса аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, мактабгача таълимни янада кенгайтириш ва сифатини оширишга хизмат қилади. Янги қурилаётган кўп қаватли уйлар таркибиде аҳоли сонига мутаносиб боғча барпо қилиниши ҳам навбат

муаммосини бартараф этиш, ота-оналарга қулайлик яратиш ҳамда болаларнинг мактабгача таълимдан четда қолмаслигини таъминлаш учун муҳим чорадир.

Инфратузилма кенгайиши билан бирга тарбиячилар малакасини ошириш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Бугунги кунда давлат боғчаларида тарбиячиларнинг 38 фоизи, хусусий боғчаларда эса атиги 24 фоизи олий маълумотли. Шу боис, янги ўқув йилидан бошлаб “1+5” модели — бир ҳафта давомида беш кун ишлаш ва бир кун ўқиш шаклидаги бакалаврият дастури жорий қилинмоқда. Бу тизим орқали ҳар йили олий маълумотли қарийб 10 минг тарбиячи тайёрланиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу йил боғча ўринларини 182 мингга кўпайтириш режалаштирилмоқда: 82 минг ўрин янги боғчалар ҳисобига, қолган 100 минг ўрин эса мавжуд муасссаларни таъмирлаш ва хусусий секторни жалб қилиш орқали яратилади. Қамров даражаси 80 фоиздан паст бўлган туман ва шаҳарларда эса хусусий секторнинг фаол иштироки рағбатлантирилади. Энди боғча ва мактабларнинг бўш майдонларида давлат-хусусий шериклиги асосида янги мактабгача таълим ташкилотлари барпо этиш мумкин. Тадбиркорларга ер майдонлари текин ажратилиши, фаолиятни бошқа мақсадларга ўзгартирмаслик шарти билан 7 йилгача имтиёзли кредит берилиши уларга қўшимча имконият яратади, натижада мактабгача таълим соҳаси бизнес учун жозибадор йўналишга айланади. Бу эса янги иш ўринлари очиш, ҳудудлар кесимида қамровни кенгайтириш ва сифатни оширишга замин яратади.

Келгуси уч йилда 14 ҳудудда “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилотлари тармоғи йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда. Уларнинг таркибиде Болаларни ривожлантириш инновацион марказлари фаолият юритади. Ушбу марказлар замонавий методикаларни тағбиқ этиш, ижодкорлик ва мантиқий тафаккурни эрта ривожлантиришга қаратилади. Натижада оддий боғча модели эмас, балки келажақ жамиятига тайёрловчи, инновацион ёндашувларга асосланган муассасалар шаклланади.

Қамров кенгайиб бормоқда

— Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларига қамров 78 фоизни ташкил қилаётган бўлса, ҳар йилги демографик ўсишлар 180 мингдан зиёд янги ўрин яратишни талаб этмоқда. Видеоселекторда бу борада хусусий секторни жалб қилиш бўйича механизмлар хусусида батафсил маълумот берилди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги департамент директори Лола Бердиева. — Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига кўра, хусусий шерикка мактаб ёки боғча ҳудудидан ер майдонлари тўлов шартларисиз ажратилади ва уларга ўттиз йил муддатга мактабгача таълим ташкилоти сифатида фойдаланишга рухсат берилади. Бунга қўшимча равишда ҳар бир болага кетадиган харажатларнинг 50 фоизи субсидия шаклида тўлаб берилиши, шунингдек, бундай фаолиятни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар назарда тутилган. Муҳим янгилик ҳар бир ҳудудда Президент мактаблари тажрибаси асосида янги авлод боғчалари очилиши бўлди. Бу орқали биз болаларнинг таълимини кейинги босқичга тайёрлиги ва иштиёқини ошириб борамиз.

Боғча таълимида фақат жой ва кадр эмас, таълим мазмунининг ўзи ҳам замон талабига мос бўлиши лозим. Айна мақсадда ҳафталик тематик пакетлар ишлаб чиқиш, болалар контентини “Миллий тарбия” платформасига жойлаштириш ва интерактив воситалар билан бойитиш режалаштирилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қамровни кенгайтириш, сифатни таъминлаш, хусусий секторни жалб этиш ва инновацион марказлар ташкил этиш орқали мактабгача таълим тизимини янги босқичга кўтариш мақсад қилинган. Бу жараён болаларнинг эрта ёшдан бошлаб билим, тарбия ва кўникмаларни эгаллашига шароит, ота-оналар учун ижтимоий қулайликлар яратади. Иқтисодий жиҳатдан эса янги имкониятларни юзага чиқаради. Шу тариқа мактабгача таълим соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар келажақ авлод тарбияси ва мамлакат тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мактаб таълими: имконият ва муаммолар

Охириги уч йилда мамлакатимизда 201 та иқтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Бу иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва уларга чуқурлаштирилган таълим бериш учун катта имконият. Аммо 12 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳануз ажунланмаган, бу эса ҳудудий бошқарувдаги суъташклики кўрсатади.

Мактабга қатнов ҳам муҳим масалалардан. Узоқ ҳудудлардаги 74 минг ўқувчи 5-7 километр масофани босиб мактабга қатнашга мажбур. Қашқадарё ва Сурхондарёда 100 та мактабга бепул автобус ажратилгани ижобий ечим сифатида баҳолашмоқда. Бундай амалиёт бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилиши кутуляпти.

Мактаб таълимини мазмун жиҳатидан янгилаш борасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўтган йил 1-синфларда информатика дарслари йўлга қўйилди. Кейинги ўқув йилидан эса юқори синфларда сунъий интеллект бўйича махсус дарслар киритилиши режалаштирилган. Бунинг учун 2 минг синфхонани компьютер ва интерактив доскалар билан



жиҳозлаш кўзда тутилган. Бу ташаббус фақат техник таъминот билангина эмас, балки ўқитувчиларни тайёрлаш, методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш билан биргаликда амалга оширилиши лозим.

Ўқитувчиларнинг касбий салоҳияти таълим сифатида катт қилувчи омил бўлиб қолмоқда. Шу сабабдан уларга методик ёрдам берувчи ҳудудий марказлар, менторлик дастурлари ва малака ошириш курслари йўлга қўйилиши зарур. Шунингдек, ўқув дастурларини лойиҳавий ишларга йўналтириш, фанлараро интеграцияни кучайтириш ҳам бугунги кунда долзарб масала.

Мактаблар ўртасидаги сифат фарқи эса ижтимоий тенгсизлиқни кучайтиради. Бу тафовитни камайтириш учун ресурсларни адолатли тақсимлаш, рақамли мониторинг тизимини жорий этиш ва қамров кўрсаткичларини реал вақт режимида кузатиш муҳим. Тезкор чоралар сифатида ажунланмаган 12 та мактаб қурилишини тугатиш, автобуслар тармоғини кенгайтириш, 2 минг синфхонани жиҳозлаш ва информатика ҳамда сунъий интеллект курсларини босқичма-босқич жорий этиш белгиланган.

Замонавий дунё тобора технологик тараққиёт йўлига чиқмоқда

Йўналишда давлатимиз раҳбари иқтисодиёт тармоқларининг бугунги ва эртанги талаблари ҳақида сўз юритиб, техника ҳамда

муҳандислик йўналишларини ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталди. Бу бежиз эмас. Чунки замонавий дунё тобора технологик тараққиёт йўлидан борар экан, янги авлоднинг рақобатбардош бўлиши, мамлакатнинг sanoat салоҳияти ҳам шундай мутахассислар тайёрлашга беволати бўлиб, Шу боис, мутасадди идоралар ташаббуси билан Иқтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида 14 та ҳудудда муҳандислик мактаблари ташкил этилмоқда. Бу мактабларга ўқувчилар имтиҳон асосида саралаб олинади ва таълим жараёни тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, бу муассасаларда “Янги Ўзбекистон” университети ҳамда Мирзо Улугбек номидаги иқтисослашган мактаб тажрибасига таянган ҳолда муҳандислик дастури йўлга қўйилади. Дарслар 5 йиллик махсус дастур асосида, STEM модели бўйича ўтилиши белгиланган.

Муҳандислик таълимининг оммалашуви учун рағбатлантирувчи механизмлар жорий этилмоқда. Хусусан, 2026 йилдан эътиборан ҳар йили умумтаълим мактаблари ўртасида Президент соврини учун “Илгор муҳандислик



мактаби” миллий танлови ўтказилиши режалаштирилган. Бу танлов нафақат мактабларро сўлом рақобатни кучайтиради, балки болаларда техника ва табиий фанларга қизиқишини янада оширади.

Табиъатшунослик фанларини чуқур ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда иқтисослашган мактаблар ташкил этилиши, Тошкент шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги мактаб эса шу йўналишда таянч мактаб сифатида хизмат қилиши кўзда тутилган. Бу орқали илм-фан ва таълим узвийлиги таъминланади, ёшларимизнинг фундаментал билимлари мустаҳкамланади.

Айни пайтда техника олий таълим муассасалари сафи кенгаймоқда. Жумладан, машҳур Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиали, “ToShTech” техника университети ҳамда Олмалик давлат техника институтини очилиши белгиланган. Бундай ташаббуслар халқаро таълим тажрибасини жалб этишга, замонавий кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

Авлоний издошлари рағбатлантирилади

Яна бир янгилик ўқитувчиликка меҳр қўйган ёшларни рағбатлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунгача бу соҳада алоҳида давлат стипендияси йўқ эди. Шу боис, жорий ўқув йилидан бошлаб педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари учун Абдулла Авлоний номидаги давлат стипендияси таъсис этилмоқда.

Стипендия бакалавриятнинг 3-4-курслари учун бўлади, ёшларни ўқиш ва илмий излашларга ундайди.

Шунингдек, йўналишда фан ва инновациялар соҳасида амалга оширилиши режалаштирилган ишлар тақдимот қилинди. Бу икки соҳадаги ислохотлар бир-бирига чамбарчас бўлиб, Ватанимиз келажагини тасаввур қиларканмиз, бу йўналишларни ажратиб қарашнинг имкони йўқ. Негаки жамият тараққиёти, иқтисодиёт модернизацияси, янги технологиялар жорий этилиши — буларнинг барчаси, аввало, илмий салоҳиятга таянади.

Олий таълимдан кейинги босқич — докторантура тизимининг такомиллаштирилиши ҳам долзарб масала сифатида илгари сурилди. Ҳозирча квоталар умумий эҳтиёжга қараб белгиланаётган бўлса, эндиликда улар мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ тақсимланади. Бу шуни аниқлатадики, иқтисодиётнинг қайси соҳасига илмий ёндашув, янги ишланма зарур бўлса, ўша ерда малакали илмий кадрлар кўпроқ тайёрланади. Масалан, энергетика, қишлоқ хўжалиги, сунъий интеллект, соғлиқни сақлаш каби йўналишларда чуқур тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж



бор. Демак, бундан буён илмий ресурслар аниқ мақсад сари йўналтирилади.

Шу билан бирга, Фанлар академиясининг жамият ҳаётидаги роли қайта белгилаб олинмоқда. Авваллари академия кўпроқ рамзий нуфуз билан боғланган, энди эса у мамлакат тараққиётининг илмий маркази сифатида майдонга чиқмоқда. Фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар академиянинг уч асосий йўналиши этиб белгиланган. Фундаментал илм янги назариялар, янги илмий концепциялар туғилдиган манбадир. Амалий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар эса айнан бугунги бозор эҳтиёжига мос, даромад келтирадиган технологияларни яратади. Шу учала йўналишни уйғунлаштирмасдан туриб иқтисодий ўсиш, ижтимоий ривожланиш ҳақида гапириб мушкул.

Албатта, илмий ишланмаларни амалиётга тағбиқ этиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Кўп ҳолларда бизда илмий тадқиқотлар қозғода қолиб кетар, лаборатория натижалари эса ишлаб чиқариш цехига етиб бормасди. Эндиликда бу бугун қатъий назорат остига олинади, илмий гоялар реал ҳаётга хизмат қила бошлайди. Шу жараён самарали йўлга қўйилса, иқтисодий кўрсаткичлар ўсади, ёш олимларда ҳам меҳнатнинг қадрига ишонч ҳисси кучаяди.

Келажақ таълим ва муаллимга боғлиқ

Йўналишда энг кўп ургу қаратилган масалалардан бири ўқитувчи ва мураббийларнинг

жамиятдаги мақеини ошириш бўлди. Чунки таълимга қандай ислохот, қандай инфратузилма ёки технология жорий этилишидан қатъи назар, барибир инсон омили — педагог шахси орқали ҳаётга тағбиқ этилади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодиёт ривожини, юртимиз ва фарзандларимиз келажағи фақат ва фақат таълим ва муаллимга боғлиқ.

Кейинги уч йилда ўқитувчиларнинг моддий таъминоти сезиларли даражада ошди. Маош тизимида 10 дан ортиқ устам киритилди, бу эса фаол ва натижа кўрсатган педагоглари алоҳида рағбатлантириш имконини берди. Бугунги кунда ўз устида тинимсиз ишлаган 60 мингдан ортиқ ўқитувчи 10-12 миллион сўмгача маош олмақда. Янги баҳолаш тизими ҳам ўз натижасини бера бошлади: дастлабки босқичда 1,5 минг мактаб қамраб олинди, уларнинг 300 таси ижобий кўрсаткичга эришди ва натижада бутун жамоа 40 фоизгача устам олиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, жорий ойдан бошлаб мактаб директорлари, боғча мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари маошини 10 миллион сўмдан ошди. Демак, ислохот энди раҳбар ҳодимлар учун мотивацион механизмини тақдим этмоқда.

Қўшимча устамалар, моддий рағбатлар фақат ойлик даромаднинг кўпайтирибгина қолмай, касбнинг ижтимоий нуфузини ҳам оширади. Ўқитувчининг жамиятдаги обрўси кучайган сари ёшларнинг педагогикага қизиқиши ортади. Бу эса келажақда малакали кадрларга эҳтиёжни табиий йўл билан қондиради.

“Касб-хунарга ўргатиш йили”

Юртимизда 450 минг ўқувчини қабул қила оладиган 598 та техникум мавжуд бўлса-да, уларга ёшларнинг қизиқиши ва бандлик кўрсаткичлари етарли даражада эмас. 2024 йилда 9-синфни 608 минг ўқувчи тамомлаган бўлса, уларнинг атиги 182 минг нафари техникумларга йўналтирилган. Демак, бор-йўғи учдан бир қисми касбий таълим тизимида қамраб олинган, қолганлари эса умумтаълимни давом эттириш ёки меҳнат бозориде расмий малакасиз фаолият юритиш йўлини танлаган. Бу эса икки томонлама хавф туғдиради: бир томондан, ёшларнинг барқарор даромад топиш имкониятлари чекланади, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш тармоқларида малакали ишчи кучи танқислиги кучаяди. Шу боис, жорий йилни амалда “Касб-хунарга ўргатиш йили”га айлантириш ташаббуси илгари сурилди.

Мавжуд техникумларнинг кўпи ўз дастурларини замонавий ишлаб чиқариш талаблари билан уйғунлаштириш олмаган. Шу сабабли таълим сифати билан бозор эҳтиёжи ўртасида катта тафовут юзага келмоқда. Буни бартараф этиш учун барча техникумларни босқичма-босқич замонавий касбга ўқитиш муҳити билан таъминлаш, ўқув дастурларида амалиёт улушини ошириш, дуал тизимни кенг жорий этиш ва ўқувчиларнинг камиде 30-40 фоиз дарс соатларини беволати корхоналарда амалиёт сифатида ўтказиш белгиланди. Шунингдек, инвесторлардан келаётган буюртмаларга мос кадр тайёрлаш имкониятлари яратилади, яъни техникумларда ўқув дастурларининг учдан бир қисми беволати бозор талаби асосида шакллантирилади.

Президентимизнинг яқинда Хитойга ташрифи чоғида 35 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар пакети имзоланган эди. Бу лойиҳалар учун юзлаб янги технология ва минглаб малакали кадр зарур бўлади. Шу боис, ҳар бир вилоятда камиде иккита “Ўзбекистон — Хитой устакхонаси” ташкил этилиши белгиланди. Бу устакхоналар бир вақтинчи ўзида замонавий технологияларни ёшлар амалиётда ўргатиш, хорижий тажрибани, хусусан, Хитойнинг ишлаб чиқариш методларини ёшлар онига синдириш имконини беради. Шунингдек, техникумларда ва олий таълим муассасаларида хитой тили ўқитилиши кенгайтирилади, юздан ортиқ тил эгаси ва волонтер жалб этилиши режалаштирилган. Бу ташаббус ёшларнинг беволати халқаро ҳамкорлик лойиҳаларига киришини таъминлайди.

Мамлакат миқёсида касбий таълимни ягона сиёсат асосида ривожлантириш учун янги Касбий таълим агентлиги ташкил этилиши белгиланди. Агентлик барча техникумларни ягона бошқарув остида ривожлантириш, дастурларни замонавийлаштириш, молиявий ресурсларни мувофиқлаштириш ва бозор эҳтиёжига асосланган стандартларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Йўналишда бир муҳим жиҳат очик танқид қилинди: қўйлаб тармоқ уюшмалари ҳали ҳам ўзларига аъзо бўлган корхоналарнинг малака талабларини тайёрлаб бера олмапти. Натижада корхоналар ҳам, техникумлар ҳам аниқ йўналишсиз қолмоқда. Бу эса таълим мазмунининг бозор талабига мос келмаслигига олиб келаяпти. Шу сабабли йил якулига қадар янги агентлик билан биргаликда ҳар бир тармоқ бўйича касблар кесимида стандарт ва талаблар ишлаб чиқилиши тошпирилди.

Касбий таълим иқтисодиёт ва таълим ўртасидаги кўприқдир. Агар у мустаҳкам бўлса, ёшлар келажагини аниқ кўради, корхоналар малакали ишчи кучига эга бўлади, мамлакат иқтисодиёти эса барқарор ўсади. Бугунги тошпириқлар — мавжуд техникумларни замонавийлаштириш, дуаллик тизимини жорий қилиш, халқаро устакхоналар очиб ва ягона бошқарув агентлигини ташкил этиш қисқа муддатда катта самаралар бериши мумкин. Энг муҳими, 9-синф битирувчиларининг камиде ярми техникумлар билан қамраб олиниши вазифаси қўйилган. Мазкур натижага эришилса, ёшларнинг бандлик масаласи ва иқтисодиёт учун зарур кадрлар таъминоти анча енгиланади.

Таълим ва фан соҳаларидаги бундай кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизнинг интеллектуал қудратини ошириш, халқаро майдонларда муносиб ўрин эгаллаш учун қўйилаётган пойдевордир. Ўзбекистон бугун ўз тараққиёт йўлининг янги босқичи сари ўз тутмоқда. Бу йўлда мактабгача таълимдан тортиб, олий таълим ва илмий тадқиқотлар тизимигача бўлган ҳар бир бўғин уйғун ишлаши керак. Ана шунда “Янги Ўзбекистон” гоёси нафақат сиёсий шиор, балки амалий ҳаёт тарзига айланади.

Аслида-чи, миллий контент ўзи қанақа бўлиши керак? Ҳўп, уни ярата олялмиз ҳам дейлик. Биз миллий контент деяётган чиқишлар нима учун оммалашмаяпти? Улар ҳам кўпнинг эътиборига тушиши, муҳокамалар майдонида бўлиши, бошқа контентлар оқимиға қўшилиб кетиши учун қандай йўл тутсак тўғри бўлади?

Очик айтиш керак, бу саволларға аниқ ечим йўқ. Бироқ қарашлар, таклифлардан келиб чиқиб муайян мақсад сари бориш мумкин. Шу маънода, миллий контент яратиш жараёнида қатнашаётган ижодкорлар, зиёлилар ва хolis кузатувчиларнинг бир гуруҳи билан суҳбатлашдик. Ўзаро фикр алмашилди, таклифлар билдирилди.

МИЛЛАТ СИФАТИДА ЯШАВ ҚОЛИШНИНГ МУҲИМ ШАРТЛАРИДАН БИРИ

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
“Маданият ва маърифат” телеканали раҳбари:

— Дарҳақиқат, сўнгги йилларда “миллий контент” деган жумла урғга кирган истилоҳлардан бирига айланди. Уни яратиш истагида жидду жад қилаётганлар кўплигини айтмайсизми? Мамлакатимизда икки мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият юритаётган, уларнинг 700 дан ошигини интернет нашрлари ташкил этаётган, ушбу оммавий ахборот воситаларининг

шаклга зўр бериб, мазмунини унўтиб қўяётган-декмиз. Йўқса, давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрдаги йиғилишида “Ўзимизга бир савол бериб кўрайлик: биз ҳозирги кескин шариотда говийи-мафқуравий соҳада рақобатга тайёрийми? Ёш авlodимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бериётими? Мана, бугун маънавий-маърифий соҳада масала қандай ўткир ва кўндаланг бўлиб турибди. Булар оддий саволлар эмас. Одамини жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларға бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”, демас эди.

“Миллий контент яратиш бугунги глобал дунёда миллат сифатида яшаб қолишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Афсуски, ҳозир биз “миллий” деб атаётган жуда кўплаб медиамаҳсулотлар ижтимоий тармоқларда бемаза қовуннинг уругидек кўпайиб кетган. Бемаза видеоматериаллар, телеканалларнинг эфир вақтини тўлдирётган телесериал ва теленовеллаларнинг айтилишигина миллий, холос.

Мана, мен ҳам мисолни айнан шу нуқтадан келтиряман. Негадир биз “миллий контент” деганда асосан, бадий фильмлар, телесериал ва теленовеллаларни тушуналмиз. Аслида, чуқур ижтимоий, иқтисодий, сиёсий таҳлилларға ихтисослашган ахборот майдонларига эҳтиёж катта. Бугун ижтимоий тармоқларға жойланаётган иқтисодий контентлар йўқ эмас. Лекин кам. Аксарият нашрлар жаҳонда рўй берадиган сиёсий жараёнлар ҳақида глобал медиамақондаги ахборотни тарқатиш билангина шугулланмоқда. Ваҳоланки, миллий манфаатларимиз нуқтадан назаридан таҳлил қилинган сиёсий ахборотларға талаб ошиб бормоқда.

Қисқаси, миллий ахборот мақонда ягона — миллий манфаатларимизға хизмат қиладиган ахборот муҳитини яратиш вақти аллақачон келган.

ИШНИ АНИМАЦИЯДАН БОШЛАСАК...

Шоҳрух НОРҚУЛОВ,
режиссёр:

— Бугун “миллий контент” тушунчаси ҳар хил тушуниляпти. Очигини айтиш керак, чарчаган киши енгилроқ, осон ҳазм бўладиган, шов-шувли контентларни кўргиси келади. Ҳозир ёшлар орасида энг оммалашган тармоқ — инстаграмни миллий контент билан тўлдиришда, аввало, қисқаликка эътибор берилиши лозим. Ёшларни маҳдйе этаётган лавҳалардан ўзини учун янгиллик қилишимиз зарур.

Фаолиятимдан келиб чиқиб гапирсам, миллий контентни фақат лаҳзалик лавҳалардангина эмас, кино, веб сериалларда ҳам акс эттириш мумкин деб биламан. Чўнки кинода, веб сериалда эркинроқ бўласиз. Фақат бу масала ечими маблагга бориб такалади. Ҳозир ўсмирларға мос фильмлар деярли йўқ. Шундай экан, ёшларимиз бошқа контентларни қидиради. Ўзинга керакли жиҳатларни ёт манбалардан олади. Демак, бу йўналишда ижод қилганлар бугун ўз аудиториясини топа

олади. Менға ҳам кўп мавзуларда таклифлар бўлади. Қай бири оғриқли, долзарб бўлса, ўшанинг устида тезкор ишлашға ҳаракат қиламан. Масалан, тўй мавзуси. Бу борада қийналимай миллий контент яратиш мумкин. Чўнки реал воқелик. Ҳамманинг эътиборини тортадиган мавзу. Шунинг учун ҳам тўй ҳақидаги контентларимиз кўп қўрилади.

Юқорида ўсмирлар мавзусини тилға олдик. Бироқ бундан ҳам муҳим жиҳат — болалар мавзуси. Йиллар давомида юртимизда анимация соҳаси оқсаб келади. Аслида, миллий контентни тарбиялайдиган восита — мультфильм. Боғча ёшдаги ҳар қайси болада мультфильмға ташналик бўлади. Ана шу ташналикни қондирадиган миллий контент бўлмаса, энди эсини танитган болалар онгини бошқа мультфильмлар эгаллаб олади.

Болагимизда иккитагина телеканал бўлар эди. Уларда намойиш этилган эски мультфильмларнинг ҳаммасини кўрганимиз. “Сеними, шошмай тур”, “Том ва Жерри” каби анимацион фильмлар жуда яхши қабул



қилинган. Бугунги замонавий мультфильмларда эса усталик билан ўша давлатларнинг миллийлиги сингдириб кетиляпти. Бу бир қарашда сезилмайди. Масалан, “Маша ва аийқ” мультфильмида халқнинг урф-одати, уй қўриш услуби, миллий кийимлари шундоқ акс этиб туради. У орқали бутун дунё ўша маданият билан

ТАҚЛИДАН ЧЕКИНИШ КЕРАК



Бобур МАНСУРОВ,
блогер:

— Миллий контент деганда миллийлигимиз, қадриятларимизни тарғиб қилиш, айниқса, унутилиб кетаётган қадриятларни тиклашни тушунаман. Миллий контент тайёрламоқчи бўлганлар, аввало, бу борада тажриба, маҳорат орттириши керак. Замон нимами талаб қилаяпти, нима оммалашаяпти, ҳаммасини чуқур ўрганамагўча контент сифатли бўлмайди. Ижод намуналаримизда халққа ҳам таниш ҳолатлар бўлсанига кенг тарқалади. Агар миллий руҳдаги, тарбиявий контентлар тўғридан тўғри муружаат услубида тайёрланса, томошабин кўргиси келмайди. Томошабинни нима биландир ушлаб қолқиш керак. Бунинг учун халқнинг характери ни яхши ўрганиш зарур. Бу борада кимдир тимсол қилиб олиш кўл келади. Кўплаб миллий контентларни кўраман, тўғридан тўғри муружаат қилинган бўлади. Бу контент тайёрлашнинг энг осон йўли. Бу йўлдан юрмаслик керак. Бугунги обуначилар реаликни ёктиради. Ҳавойи нарсалар уларни зериктириб қўяди. Бу йўл нафақат миллий контентда,

балки кинода ҳам, мусиқа ва қўшиқда ҳам ўзини оқламайди. Аниқроқ айтсак, ҳаёлотга берилиш томошабинни йўқотишға олиб келади. Шунинг учун ҳаётий воқеаларға таъйиб ижод қилинса, муваффақиятға эрилиши мумкин.

Аслида, авваллари ҳам шунға эътибор берилган. Масалан, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Суюнчи” фильмларини олайлик. Ҳалигича томошабинни ўзинға тортади, ҳеч қачон бездирмайди. Чўнки одам ўзининг қадриятини улўглайди ва буни фарзандиға ҳам ўргатади.

Биз ҳам шу пайтгача кўплаб миллий контентлар ишладик. Кузатувчиларимиз нимадан-дир ибрат тарбия олса, урф-одатларимиз тикланишиға оз бўлса-да, ҳисса қўша олсак хурсанд бўламиз. Аудитория кўламига келсак, кўп сонли обуначиларни йиғиш осон эмас. Мавзуларимизни асосан халқнинг ўзидан олганимиз учун мухлисларимиз кўп деб ўйлайман.

Реал воқеалар деб гапирялган-у, мисол келтирмабман. Бизни кузатувчилар яхши билдос: ижодий жамоамиз билан бирға савол, тийҳвандликка қарши кураш, турли фирибгарликлар ҳақида ҳам контентлар тайёрлаганимиз. Воқеликка ёндашувда реаликка асосланганимиз учун кўп қўрилган. Менимча, шу тарзда ёндашилса, контентларда самимият бўлади. Фақат кимгадир тақлид қилиб эмас, янгиллик қидириб ишланганлар муваффақият қозонади. Афсуски, бугун контентларда тақлид кўп. Тўғри, ўз йўли, услубиға эға блогерлар бор, уларни инкор этиб бўлмайди. Шу ўринда миллий контент яратаётган блогерлар, ижодкорларнинг энг яхшиларини, албатта, тақдирлашни таклиф қиламан. Зеро, рақобат бор жойда ўсиш бўлади. “Энг яхши миллий контент”, “Энг яхши ёндашув” каби номинациялар ижодкорларни руҳлантиради, ижодий қувват беради. Бундай танловларни кўпайтириш керак. Ҳақиқий миллий контент эгалари намуна сифатида рағбатлантириб турилса, албатта, улар сафи кенгайди.



МИЛЛИЙ ЛИБОС КИЙГАН БИЛАН МИЛЛИЙ КОНТЕНТ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ

Беруний АЛИМОВ,
“Янги медиа таълим маркази” ННТ директори, филология фанлари доктори:

— Ҳақиқатан, бу жуда жиддий масала. Аксарият ўқувчилар ижтимоий тармоқлардан ахборот оляпти. Ҳатто етакчи ОАВ ҳам айнан ижтимоий тармоқ платформалари орқали аудиторияси билан гаплашаяпти. Чўнки ўқувчи, томошабин қаерда бўлса, ана шу платформадан унумли фойдаланиш керак.

Умумий контент яратиш маъносига қарасак, албатта, оддий ўқувчи жуда кўп. Улар профессионал эмас. Шу нуқтадан назардан улар орасида миллий контентнинг асл моҳияти, мазмунини билмайдиганлар анча-мунча. Бироқ шундай контентлар тайёрлашимиз керакки, моҳият, мазмун аниқ англашилди турсин. Яъни оддий ўқувчи ҳам ўша контент учун юракдан меҳнат қилинганини пайқасин. Бунинг учун ижтимоий тармоқ фаоллари, блогерлар, фрилансерлар учун қайсидир маънода махсус курслар, ўқув семинарлари, тренинглар ташкил этилишини тақдир қилган бўлардим.

Миллий контент халқимизға қизиқ ва фойдалли бўлиши керак. Миллий либос кийган билан миллий контент бўлиб қолмайди. Профессинал нуқтадан назардан қандай ахборот кераклигини аниқлаб туриб иш қўрасак, мақсадға мувофиқ бўлади. Фақат шов-шув кўтариш журналистиканинг вазифаси эмас. Бугун, афсуски, шунға оғиб кетялмиз.

Миллий контент ҳақида кенг жамоатчилик, зиёли қатламнинг турфа фикрлари мувоҳаса майдониға чиқаяпти. Улар орасида сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори Суҳроб Бўроновнинг “Бугунги ахборот майдонида миллий контент йўқлиги миллий ўзлигининг йўқотилиши сифатида баҳоланиши шарт ва лозим. Шу боис, ахборот хуружи кенг авж олаётган майдонда нафақат рақобатбардош миллий контентни яратиш ва у орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаш зарур, балки уни хорижий ахборот ресурсларида ҳам доимий акс эттириш вазифаси даврийимизнинг кечиктириб бўлмайдиган талаби” деган фикрлари эътиборни тортади. Зеро, виртуал олам — чегарасиз. Ёт контентларни тўсиб қола олмаймиз. Шундай экан, яхши гоё, ёшларға таъсирчан усулларни топиш зарур. Хорижий шароитларға эса миллий, замонавий қарашларимиз билан жавоб берайлик. Ижтимоий тармоқ — гўё кўзға қўринмас катта армия. Қўшиқларнинг кучи аскари, техникаси билан ўлчанса, ижтимоий тармоқлар кучи контентлар салоҳияти билан ўлчанади.

Саҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ ЯРАТИШ МАВСУМИЙ ТАДБИР ЭМАС

Муҳтарама ЎЛУҒОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Ўзбекистон ҳаётнинг барча жабҳасида ривожланаётган мамлакатлар қаторига чиқиб бораётгани халқроқ миқёсда далиллар билан эътироф этилмоқда. Демак, жаҳоннинг турли минбарларида кўхна ва навқирон диёримиз рамзи бўлган байроғимиз ҳилпираб тургани каби жаҳон медиамайдонида ҳаётимиз кўзгуси бўлган ўзбек медиаси вакилларининг сўзи, овози миллий қадриятларимиз, халқ донолиги, урф-одатларимиз, тилимизнинг кенг имкониятига жозибдорлиги, табиат ва турмуш уйғунлигининг замон билан ҳамнафас кўзгуси сифатида намоён бўлиши керак.

Тўғри, Алишер Навоий ҳазратлари айтганидек, халқроқ сўз майдони усталари билан юзма-юз турмоқ осон эмас. Шу сабабли олдимизда турган ўта муҳим жиҳатни унутмаслик керак: биз, биринчи навбатда, бошқалар билан беллашши, баҳслашиш учун эмас, ўз халқимиз, айниқса, улғайиб келаётган ёш авlodга неча асрлардан буён



аждодларимиз илму урфонда, одамийликда, санъат ижодда, ҳунармандчиликда дунё афкор оммасига ибрат бўлишининг воситаси — бебаҳо маънавий бойликларимизни англатиш, уларға муҳаббат уйғотиш ва ҳаёт тарзига айлантириш учун миллий контентни яратишимиз керак. Акс ҳолда, китоблар

хонадонлар жавонининг безаклари сифатида қайд этиладиган, миллий либосларимиз айрим тадбирлардагина қийиладиган, халқ қўшиқларимиздан “Алла” билан “Ёр-ёр” гина анъанавий танловларда ижро этиладиган, Самарқанд обидалари каби бетакор макомларимиз ҳам бемалол қайта ишланиб замонавийлаштирилмаган, ҳатто ўзбек аёлининг пазандалик санъати кўчадан ташиб келинадиган таомларнинг бир марта ишлатишға мослашган идиши каби қадрсизлик “қутиси”ға ташланмадиган, андишоға ҳаё, каттаға ҳурмату кичикка иззат тезкор замондан орада қолиш сифатида қабул қилинадиган даражаға етиб, жамият қалби қашшоқлашиб бораверади. Шу сабабли, миллий контент, аввало, халқимиз асрлар давомида зарралаб тўплаган, тажрибадан ўтказган фазилатли ўзлиқ турмуш тарзи меъёрларини кундалик ҳаётимизда барқарор этишға хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним “Саодат” журналида бош муҳаррир бўлган пайтларида бизни хизмат сафарига юборишдан олдин: “Мақола учун танланган

